

**ЮРИДИК ВА ЮРИДИК МАҚОМГА ЭГА БҮЛМАГАН ТАДБИРКОР
ИСТЕЙМОЛЧИЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ**

ШАРТНОМАСИ

2022 йил « 11 » декабрь 16/12/66 -сон

Нукус шаҳри
таджик тили

Нукус шаҳар электр таъминоти корхонаси асосида фаолият юритувчи раҳбари
(туман (шахар) электр таъминоти корхонасининг номи)

(кейинги ўринларда «Корхона»

(туман (шахар) электр тармоқлари корхонаси раҳбарининг Ф.И.Ш.)

деб аталади) бир томондан Низом асосида фаолият юритувчи

Республика Бомондук шурӯбхонаси
(истеъмолчанинг номи)

раҳбари З. Сейғиззода (кейинги ўринларда «Истеъмолчи» деб аталади),
(истеъмалчи раҳбарининг Ф.И.О.)

иккичи томондан мазкур шартномани қўйидагилар тўгрисида туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Ушбу электр таъминоти шартномасига (кейинги ўринларда - Шартнома деб аталади) мувофиқ, «Корхона» «Истеъмолчи»га электр энергиясини уланган тармоқ орқали етказиб бериш ва «Истеъмолчи» истеъмол килинган энергия учун ўз вактида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

II. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯНИ ХИСОБГА ОЛИШ

2.1. Электр энергия истеъмолининг йиллик шартномавий хажми:

Актив 6333 кВт.с. реактив _____ кВар.с.

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг шартнома тузилган кунидаги умумий нархи
2849850 сүмни, тариф бўйича 450 ташкил этади.

тариф тури: табакалаштирилган, бир ставкали ёки ахолига тенглаштирилган, (кераклиси ёзилсин)

2.3. «Истеъмолчи»га етказиб бериладиган электр энергиясининг ойлар кесимидағи йиллик хажми ушбу шартномага 1-иловада келтирилган.

2.4. «Истеъмолчи» томонидан олинган электр энергиясининг ҳақ тўланадиган ҳақиқий микдори ушбу шартномага 2-иловада назарда тутилган хисобга олиш приборларининг курсаткичлари асосида аниқланади.

2.5. Истеъмолчиларнинг (майший истеъмолчилардан ташкири) электр энергиясини хисобга олиш ускуналари, шунингдек электр энергиясини хисобга олишининг бошка воситалари истеъмолчининг маблаглари хисобига сотиб олинади, давлат киёсловидан ўтказилади, худудий электр тармоқлари корхоналари томонидан бепул ўрнатилади, пломбаланади ва рўйхатдан ўтказилади.

III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Электр энергияси учун хисоб-китоблар табакалаштирилган, бир ставкали, ўсиб борувчи ёки ахолига тенглаштирилган тарифлар асосида амалга оширилади.

3.2. Уланган куввати 750 кВА ва ундан ортиқ бўлган «Истеъмолчи» (бюджет ташкилотлари, сув таъминоти ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари ўюнмаларининг насос станциялари, шунингдек Давлат бюджетидан молиялаштирилдиган насос станциялари бундан мустасно) электр энергияси учун хисоб-китобларни сутка вақтларининг табакалаштирилган тариф бўйича амалга оширади.

Истеммол килингап энергия учун табакалаштирилган тариф бўйича хисоб-китоблар: ярим тигиз пайт – сутканинг ёрут вақтида (соат 9⁰⁰ дан 17⁰⁰ гача) – белгиланган тариф бўйича,

тигиз пайт – энг катта юкламали соатларда (ягона электр энергетика тизимиning энг катта юкламали соатлари: эрталабки энг катта микдор соат 6⁰⁰ дан 9⁰⁰ гача, кечки энг катта микдор соат 17⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар микдорда ўсувчи коэффициентни кўллаш орқали;

тунги пайт – сутканинг қоронги вақтида (энг кам юкламали соатларда: 22⁰⁰ дан 24⁰⁰ гача ва 00⁰⁰ дан 6⁰⁰ гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар камаювчи коэффициентни кўллаш орқали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гурухи бир ставкали истеммолчиларга кўлланиладиган тарифга тутри келади.

Табакалаштирилган тариф кўлланилмайдиган истеммолчига нисбатан энергия учун хисоб-китобларда бир ставкали тариф кўлланилади.

Улакган куввати 750 кВА гача бўлган, электр энергиясини реализация қилишда нархни табакалаштирилсанг алоҳида тартиби белгиланадиган ташкилотлар рўйхатига киритилган мансубот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеммолчилар учун тўловлар кўзумат карори билан белгиланадиган тарифлар бўйича амалга оширади.

3.3. Бир кечак тариф гурухларига мансуб истеммолчи билан хисоб-китоблар, хар бир тариф гурухига алоҳида ўрнатилган хисобга олиш приборлари кўрсаткичлари бўйича амалга оширади.

«Истеммолчи» томонидан алоҳида хисобга олиш приборларя ўрнатиш рад қилинган тариф гурухларига электр энергияси учун тўловлар фойдаланилаётган энг юкори тариф гурухи бўйича мансубот кўзинади.

Узбуку шартнома бўйинча «Истеммолчи» ва «Корхона» орасидаги хисоб-китоб даври 30 кундан тарбияланади.

4. «Истеммолчи» хисоб-китоб даври тутагандан сўнг Электр таъминоти корхонаси тариф гурухларига билан биргаликда (мавжуд вазиятдан келиб чиқсан ҳолда) ёки унинг тариф гурухига алоҳида олиш приборларининг кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олади ва улубу тариф гурухига бўйича мувофиқ шаклда энергия сарфи бўйича хисобот тузади.

«Истеммолчи» «Корхона»га энергиянинг сарфланилиши тўгрисидаги хисоботни ўз қули билан, факсимил, электрон ёки поча алоқаси орқали ҳар ойнинг «_____» санасигача тақдим этилади.

Бунда, тўловларни табакалаштирилган тарифда амалга оширадиган «Истеммолчи»лар тариф гурухига электр энергия сарфи бўйича хисоботда фойдаланилган электр энергия (актив ва реактив) тўлиқ ҳажмидан ташкари тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтларда фойдаланилган электр энергия ҳажмлари алоҳида ҳам кўрсатилиши шарт.

3.5. Электр энергияси учун амалдаги тарифлар ўзгарган тақдирда, «Худудий электр тарифлари» корхонаси уларнинг кучга киришидан камида 15 кун олдин қарорни оммавий ёкотир юрт воситаларида эълон килади.

Бунда электр энергияси учун тарифлар ўзгарган санадан қатий назар, электр тарифларини шартномаси ўз кучида қолади ва истеммолчи фойдаланилган электр энергияси ўз кучига тариф кучга киргандан кундан бошлиб ҳак тўлашига мажбурдир.

Тариф ўзгартган тақдирда, истеъмолчилар электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия)нинг аванс тариқасида тўланган ҳажми учун тўлов кунидан бошлаб кейинги бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда кўшимча тўлов тўлашдан озод этилади.

Арифметик хатоликлар, тарифларни нотўғри кўллаш туфайли пайдо бўладиган кам ва ортиқча тўловлар тегишли тариф бўйича кВт/соатларда қайта хисоблаб чикилади ва «Корхона» томонидан даъво муддати доирасида кўрсаткичлардаги тафовут ёки кўшимчалар билан биргаликда хисобга олинади.

3.6. «Истеъмолчи»га электр энергияси етказиб бериш давлат корхоналари ва устав капиталидаги давлат улуши 50 фойз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахсларга 100 фойз, қолган юридик шахсларга 30 фойз олдиндан ҳак тўланаш асосида амалга ошириллади. Олдиндан ҳак тўланмаган ҳамда ойниң охиригача икуний хисоб-китоб амалга оширилмаган ҳолларда мазкур истеъмолчиларга нисбетан электр тармоқларидан тулиқ узишгача бўлган чоралар кўриллади.

3.7. «Корхона» «Истеъмолчи»нинг энергия сарфи тўгрисидаги хисоботи асосида белгиланган тартибда хисоб-китобни амалга оширади ва тўлов амалга ошириш учун хисоб-фактура ва тўлов хисоб-варагини тақдим этади.

«Истеъмолчи» турли тариф гурухларига тегишли бўлган бир нечта обьектга эга бўлса, ҳар бир тариф гурухи учун тариф кўрсатилган ҳолда умумий хисоб-фактура тақдим этадилади.

«Корхона» томонидан маҳсус дастурий маҳсулот оркали хисоб-фактура ва тўлов хисоб-варагини шакллантирилади ҳамда истеъмолчи тўгрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда электрон раками имзо билан тасдиқланиб, оператор оркали роуминг операторига юбориллади.

(Асос: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 25.06.2019 йилдаги 522-сонли «Ўзаро хисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги ҳисобварақ-фактуралордан фойдаланашни таомиллаштириши чоратадибўларни тўгрисида»ги қарори)

3.8. Хисобга олиш прибори ушбу шартномага З-иловага мувофиқ, электр тармоқларининг мансублик баланси бўйича фарқлаш далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аниқланадиган электр тармоғининг мансублик баланси чегарасида ўрнатилмагандан, чегарадан хисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган участкада энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми «Истеъмолчи» билан биргаликда хисоблаш йўли оркали аниқланади ва ушбу шартномага 4-иловага мувофиқ далолатномада кўрсатилади.

Бунда, 750 кВА ва ундан юқори кувватга уланган, табакалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширадиган «Истеъмолчи» учун энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми сутканинг тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аниқланиб, мутаносиб равишда жами олинган электр ҳажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳакини ёзиш учун кўшиб борилади. (6-,7-иловага тақдим этилган реактив кувватга эга ва технологик бронли истеъмолчилар тұлдиради).

3.9. Электр энергияси ягона электр энергетика тизимидан транзит бўйича истеъмолчининг электр гармоғи оркали ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига узатилганда, истеъмолчи тармоқларидаги электр энергияси технологик сарфнинг бир кисми, истеъмолчининг электр тармоғига келиб тушган электр энергиясининг умумий микдорига нисбетан ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига истеъмолчи томонидан узатилган электр энергияси микдорига мутаносиб равишида, ягона электр энергетика тизимининг электр тармоқларидаги технологик сарфларга ўтказилади.

3.10. Электр энергияси сарфи түгрисидаги хисобот истеъмолчи томонидан тақдим этилмаган тақдирда, худудий электр тармоқлари корхонаси томонидан электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия) истеъмолининг шартномавий микдори бўйича ёки ўтган хисоб-китоб давр учун электр энергияси истеъмолининг ўртача суткалик амалдаги микдори түгрисидаги маълумотлар асосида хисоб-китоб қилинади.

Бунда хисобга олиш приборлари кўрсаткичлари назорат тартибида Корхона томонидан ёзб олингандан кейин амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун кайта хисоб-китоб қилинади. Кайта хисоб-китоб истеъмолчи ёки унинг вакили иштирокида ёхуд унинг иштирокисиз белгиланган тартибида амалга оширилади.

3.11. Корхона истеъмолчилар билан биргаликда истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги микдорини аниқлаш учун улардаги электр энергиясини хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини хар ойда ёзб олиши ва зарур бўлганда электр энергиясини хисобга олиш приборларини улаш схемасини текшириб кўриши керак. «Истеъмолчи» томонидан электр энергияси сарфи түгрисида «Корхона»га белгиланган шакл бўйича ўз кўли билан, факсимил электрон ёки почта алоқаси орқали тақдим этилган хисобот юридик шахслар хамда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар учун истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги хажмини аниқлаш учун асос булиб хизмат қиласди.

Электр энергиясини хисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими (ЭХНАТ) нинг жорий этилиши муносабати билан истеъмолчиларнинг хисобга олиш приборларидаги кўрсаткичлар автоматлаштирилган тизимнинг техник параметларига мувофиқ, бироқ бир ойда камида бир марта ёки истеъмолчининг буюртмаси бўйича ёзб олинади.

«Корхона» «Истеъмолчи»нинг шахсий хисоб-ракам ва хисобга олиш приборларининг колати хақида батафсил маълумотлар доимий асосда шакллантирилиши ва идоралараро электрон хамкорлик қилиш тизимига реал вакт режимида юборилишини таъминлайди.

3.12. Шартномада хисоб-китоб даври учун кўрсатилган энергия микдордан 5 фойздан ортиқ микдорда энергия истеъмол қилганда, «Истеъмолчи»дан шартномада кўрсатилган микдордан ортиқ истеъмол қилинган электр энергияси жъами хажми учун белгиланган тарифнинг 1,15 баравари микдорида тўлов ундирилади.

«Истеъмолчи»нинг электр энергияси хакини тўлаш, реактив энергия компенсацияси учун тарифга устамалар, шунингдек, ноқонуний фойдаланилган электр энергияси кайта хисоб-китоби ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови хисобига ўтказилган маблаглари қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳақ тўлаш) сифатида хисобга олинмайди.

«Истеъмолчи» шартномада кўрсатилган электр энергияси хажмини тўлик истеъмол қилмаган тақдирда, аванс тарикасида тўланган маблаглар қайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги хисоб-китобларда хисобга олинади.

Хисоб-китоб ойилан кейинги календар ой тугагач карздорлик тўлов муддати ўтган деб хисобланади ва тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун «Истеъмолчи»га тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фойзи микдорида, электр энергияси маҳсус тартибида етказиб бериладиган корхоналар учун эса 0,2 фойзи микдорида пеня хисоблаб ёзилади. Бунда пенянинг умумий микдори, муддати ўтган тўловнинг 50 фойзидан ошмаслиги лозим.

3.13. «Истеъмолчи» ва «Корхона» ҳар ойда хисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро хисоб-китобларнинг таққослари далолатномасини тузади.

- 3.14. «Истельмолчи»ни күйидаги ҳолларда электр тармоқларидан узилди:
шартномавий мажбуриятлари бажарылмаганда;
хисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганилиги оқибатида фойдаланилган электр энергияси учун карздорлик мавжуд бўлгандা;
Корхона талабномалари бажарылмаганда, шу жумладан, унинг тегишти вакилларига хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олишга йўл кўйилмаганда;
хисобга олиш приборларини касддан бузганда, кўрсаткичларни ўзгаририш мақсадида уларнинг ишлашига ташкаридан аралашиш ҳатти-харакатлар амалга оширилганда;
электр энергиясидан ноконуни фойдаланилгани, электр тармоқларига ноконуни уланиш, талон-тарож қилиш ёки электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аникланганда.
- 3.15. Хисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган кайта хисоб-китоб, «Истельмолчи»ни конун ҳужжатларида белгиланган тартибда электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.
- 3.16. «Истельмолчи» томонидан қоидабузарлик ҳолати бартараф этилиб, мавжуд карздорлик ва тўлов пайтидаги базавий хисоблари миқдорининг ўн баравари миқдорида тўлов ундирилгандан сўнг тармоқга кайта уланади (ЭҲНАТга уланган истельмолчилар бундан мустасно).
- 3.17. «Истельмолчи» электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистельмолчилар, истельмолчи билан субистельмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий ҳажмидан олинадиган улушга мутаносиб равишда ҳақ тўлайди.
Эксплуатация харажатларини субистельмолчига бериладиган электр энергияси тарифига қўшишга рухсат этилмайди.
- 3.18. «Истельмолчи» томонидан истельмол қилинган электр энергияси учун тўлов тарифлари кўйидаги ҳоларда аҳоли учун белгиланган тарифларга тенглаштирилади;
- Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида» ги ЎРҚ 327-сон Конуннинг 28-моддасига асосан Оилавий корхона турар жойдан бир вақтининг ўзида унда истикомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда электр энергияси ҳақини тўлаш аҳоли учун белгилантан тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга оширилади.
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 10 сентябрдаги 525-ф-сонли Фармойишига асосан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги диний ташкилотлар 2003 йилнинг 1 сентябрдан бошлаб уларга кўрсатиладиган коммунал хизматлар электр энергиясига тўловларни аҳоли учун белгилантан тарифлар бўйича тўлайдилар.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Истельмолчи кўйидаги ҳуқуқларга эга:

«Истельмолчи»ниң электр курилмаларини «Корхона» электр тармоқларига техник шартларга мувофиқ ўрнатилган тартибда улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ ўрнатилган тартибда электр энергиясини олиш;

электр энергияси етказиб беришининг тўхталиши ёки тўхтатиб кўйилиши сабаблари тўғрисида белгилантан тартибда ахборот олиш;

«Корхона»га истельмол қиласидан энергия ҳажмларининг ўзгаририлиши тўғрисида белгилантан тартибда таклифлар киритиш. Бунда энергиясининг шартномадаги ҳажмини ўзгаририш бўйича таклиф мўлжаланаётган ўзгариришдан олдин 10 кундан кечикмай (жорий ой тутагунгача) берилиши лозим;

электр энергияси тұлға қажыда етказиб берилмаслығи ёки сифат күрсаткычлари давлат стандарттарында мувоғық бўлмаган электр энергия етказиб берилиши оқибатида етказиленган зарарни белгиланган тартибда коплатиш;

Шартноманиң конун хужжатларига мувоғық бир томонлама тартибда бекор килиш;

Шартнома бекор килганда фойдаланилмаган электр энергияси миқдори учун тўланган маблагни кайтарилишини талаб килиш;

электр таъминоти шартномасини тузишда ва бажаришда юзага келаётган низоларни ҳал этиш учун судга, монополияга карши давлат органига ёки бўйсунуви бўйича юкори орнанга (манасбдор шахсга) мурожаат килиш.

«Истемолчи» конун хужжатларига мувоғық бошқа ҳукукларга ҳам эга.

4.2. «Истемолчи» қўйидагиларга мажбур:

белгиланган энергия истемоли режимига риоя этиш;

фойдаланилган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

эксплуатация килаётган электр тармоқлари, приборлар, электр курилмаларни зарур техник ҳолатини саклаш, шунингдек, электр курилмаларни эксплуатация қилишида ҳифзислик техникиси қоидаларига риоя килинишини таъминлаш, «Корхона»га электр ускуналаричнг носозлиги тўғрисида хабар бериш;

электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

«Ўззнергоинспекция» конуний кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш;

Электр курилмаларининг тузилиши қоидалари талабларини бажариш;

«Корхона» вакилининг ҳисобга олиш приборларини кўздан кечиришига белгиланган тартибда рухсат бериш;

йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр курилмаларидан фойдаланиш бўйла тақшидан камиди бир ой олдин электр энергиясининг зарур миқдори учун «Корхона»га бўйротманома бериш;

келгуси йил учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни аниқлашда электр энергиясини электр тармоқларидан узатишида, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни бўритиш, иситиш, шамоллатиш учун электр энергия сарфии, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субистемолчиларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш.

Шунингдек, 5 МВт ва ундан юкори бўлган кувватга уланган «Истемолчи», «Корхона» талабига асосан аниқлаш ва хабар беришга мажбур:

истемол қилинаётган кувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги миқдори;

енергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламали даврларида реактив энергия ва кувватнинг ҳар суткалик сарфи;

енергетика тизимининг энг кўп юкламасининг ўтиш даврида актив энергия (куват)нин ҳар 30 дақиқадаги сарфии.

«Истемолчи» конун хужжатларига мувоғық бошқа мажбуриятларга ҳам эга.

маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш (ишларни амалга ошириш) учун электр энергияси сарфиинг техник ва иккисодий жиҳатдан асосланган илғор нормаларини ишлаб чиқиши - умумий ишлаб чиқариш ва технологик; якка тартибдаги ва гурух бўйича; йиллик, чораклик ва ойлик - уларни ишлаб чиқаришини ташкил этиш технологияси такомиллаштирилиши (сигартирилиши) ва янги техника жорий этилишига қараб қайта кўриб чиқиши;

корхона бўйича, шу жумладан кўп энергия сарфлайдиган ускуналар, цехлар ва истеъмолчилар гурухлари бўйича электр энергияси балансларини тузиш ҳамда улар асосида ишлаб чиқариш жараёнларида электр энергиясидан фойдаланиш самародорлигини таҳлил килиш, электр энергиясининг самарасиз сарфланиши ва ироф бўлишини аниқлаш, уларни камайтириш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошиш;

келгуси давр учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни ва электр тармоқларининг энергия ўтказиш қобилиятини ошириш, электр таъминоти схемаларини тақомиллаштириш заруриятини аниқлаш мақсадида (маҳсулот ишлаб чиқаришнинг, бажариладиган иш турларининг мўлжалланәттган прогноз ҳажмларидан ва электр энергияси сарфи меъёрларидан келиб чиқиб, уларни камайтириш ва электр энергиясини тежашни хисобга олган ҳолда) электр энергиясининг бир йил ва келгуси давр учун балансларини тузиш;

маҳсулот (ишлар) бирлигига электр энергияси сарфининг тасдиқланган меъёрларига риоя қилиш ва уларни камайтириш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

электр энергиясини тежаш бўйича (йиллик ва узоқ истиқбол учун) ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

4.3. «Корхона» кўйидаги хукукларга эга:

«Истеъмолчи»дан шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини лозим даражасида бажарипни талаб этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда «Истеъмолчи» томонидан етказилган амалдаги зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

авария режимида «Истеъмолчи»ни электр тармоғидан узуб кўйиш;

ЭҲНАГа уланган ёки электр энергиясига олдиндан ҳақ тўлаш курилмасига эга хисобга олиш прибори бўлган истеъмолчини олдиндан тўланган ҳақ тугаганда электр тармоқларидан узиш.

«Корхона» қонунчиликка мувофиқ бошқа хукукларга ҳам эга.

Мазкур шартномага асосан «Истеъмолчи»ни электр тармоқларидан узилгандан кейин юзага келган холат учун «Корхона» жавобгар бўлмайди.

4.4. «Корхона» кўйидагиларга мажбур:

«Истеъмолчи»га электр энергиясини электр тармоғи орқали электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик бўлиши чегарасигача шартномада кўрсатилган ҳажмда мунтазам етказиб бериш;

ускуналар, электр узатиш линияларини, хисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр хўжалиги обьектларидаги носозликларни бартараф қилиш;

электр хўжалиги обьектларини таъмирлаш билан боғлик электр таъминотидаги кутилаётган узиллишлар тўғрисида уч кундан кечикмасдан огохлантириш;

«Истеъмолчи»ни электр энергиясини етказиб берилishi тўхтатилиши ва тўхтатилиш сабаблари тўғрисида хабардор қилиш;

киритилаётган чеклашлар тўғрисида, чеклашларни ҳажми ва вақти кўрсатилган ҳолда олдиндан хабар бериш;

электр энергияси тўлиқ етказиб берилмаганилиги ёки электр таъминотидаги бошқа бузилишлар тўғрисидаги «Истеъмолчи»нинг аризасини, ариза олинигандан бошлаб 10 кундан кечиктирмай кўриб чиқиш, бартараф этиш ва батафсил жавоб юбориши;

«Истеъмолчи»га ўрнатилган тартибда етказиб берилган энергия ҳисобини юритиш;

«Истеъмолчи»нинг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофиқ беш кун муддатда электр энергиясининг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгаришилар киритиш, электр

энергиясининг ойли шартномавий миқдорини кўлайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда - бу ҳақида, ради этиши сабабини кўрсатган ҳолда, истеъмолчига хабар қилиш;

«Истеъмолчи»да ўрнатилган хисобга олиш приборларини алмаштириш ва ўрнатиш, пломбалашни таъминлаш;

давлат стандартига мувофиқ бўлган электр энергиясини етказиб бериш.

Корхона конунчиликка мувофиқ бошқа маҷбуриятларга ҳам эга.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Электр таъминоти шартномаси бўйича тарафлар Ўзбекистон Республикаси конунчилигида белгиланган тартибида жавобгар бўлали шунингдек, шартнома шартлари бажарилмаган ёки тегиши тарзда бажарилмаган холларда, «Корхона» бунинг катижасида етказилган ҳакиқий зарарни қоплашга, «Истеъмолчи» эса етказилган ҳакиқий зарарни қоплашга маҷбур.

5.2. «Корхона» «Истеъмолчи» олдида моддий жавобгар бўлмайди агар:

«Истеъмолчи» электр энергияси истеъмолининг белгиланган режимига риоя килмай, электр энергияси истеъмоли ёки кувватининг шартномавий миқдоридан ошиб кетишига йўл қўйганда, «Корхона» томонидан белгиланган электр энергияси чеклаш жадвали бажармагани гуфайли паст сифатли электр энергияси етказиб берилгандиги учун;

захира манбаи автоматик ишга тушганда, автоматик кайта улаш ва автоматик тарзда частотани созлаш билан боғлиқ ўчиришлар вактида электр энергиясини етказиб бериш борасидаги танафуслар учун «Истеъмолчи» олдида моддий жавобтар бўлмайди;

«Коракашоқ ҳудудий электр тармоклари корханаси» АЖ ва «Ўзбекистон миллый электр тармоклари» АЖ ўртасида тузилсан шартномага мувофиқ, «Ўзбекистон миллый электр тармоклари» АЖ томонидан шартномада кўрсатилган миқдордаги электр энергияси етказиб берилмаган тақдирда, «Корхона» «Истеъмолчи»га етказиб берилмай конкак электр энергияи учун моддий жавобгар бўлмайди.

5.3. «Корхона» «Истеъмолчи»ни қарздорлиги ёки бошқа асосли сабабларга кўра электр энергиясидан узилганда ёки енгигб бўлмайдиган куч ҳолатлари ҳамда фавкулотда авария ҳолатлари юзага келганда (форс-мажор) «Истеъмолчи» олдида жавобгар бўлмайди.

5.4. Мазкур шартномани бажариш жараёнида юзага келадиган барча келилмовчилик ва низолар музокара ўтказиш оркали ҳал қилинади. Келилмовчиликларни музокара ўтказиш оркали ҳал қилишининг иложи бўлмаганда, улар конунчиликда белгиланган тартибида ҳал қилинади.

VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

6.1. Шартнома 20 йил гача бўлган муддатга тузилади.

Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда, томонлардан бири уни узайтириш ёки бекор қилиш бўйича ариза бермаган бўлса, шартнома кейинги ҳар бир йилга узайтирилган хисобланади (Бюджет ташкилотлари бундан мустасно). Ариза ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан бир ой олдин тақдим этилиши лозим.

6.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган ва томонларнинг ҳар бирида сақланаётган иккиси (Бюджет ташкилотларни учун уч) нусхада тузилган. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми хисобланади.

6.3. Томонларнинг бирини ташаббуси билан шартномани муддатидан олдин бекор қилиш, иккиччи томонин бекор қилиш муддатидан ўттиз кун олдин ҳабардор қилган ҳолда ва гомонлар ўзаро хисоб-китоб қилиши шарти билан бекор қилиниши мумкин. Бекор қилиш тўғрисида ҳабарнома ёзма равишда юборилади.

6.4. Барча ўзгаргириш ва қўшимчалар, агар улар факат ёзма равишда амалга оширилиб, томонларнинг ваколатли шахслар томонидан имзоланган бўлса, ҳакиқий хисобланади.

6.5. мазкур шартнома талабларида назарда тутилмаган тартиб – қоиделар Вазирла Махкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22 сон қарори билан тасдиқланган Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари хамда бошқа амалдаги норматив – хукукий хужжатла талабларига мувофиқ тартибга солинади.

VI. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

ИСТЕЙМOLЧИ: Республика бозалар хукубхонаси
Юридик манзили Нукус шахри Утепов кучаси р/ум
Хисобраками ШГХР: 100021860354017046100075044
Банк коди (МФО) STIR (ИНН) 206793904

Республика ва маҳаллий бюджетдан молиялашириладиган Истеъмолчилар учун:

Бюджет фондининг хисобраками 2340 2000 3001 0000 1010

Банк коди (МФО) 00014 STIR (ИНН) 201122919

Бюджетдан ташкини фонднинг хисобраками

Банк коди (МФО) STIR (ИНН)

КҚС тұловтипининг коди

Телефонлар: 61226-52-46 Факс: 61226-52-45 e-mail:

(Истеъмолчининг, шу жумладан раҳбарининг уялы, факс телефонлари коди электрон манзил берилади)

Кадастрык рақами 23:17:01:23:01:0055;

Статистик кодлар:

IFUT (ОКЭД) 91010

DBIBT (СООГУ)

MNOBT (СОАТО)

(КФС)

TSHK (КОПФ)

КОРХОНА: Нукус шахар электр таъминоти корхонаси

Почта манзили Нукус шахри Утепов кучаси ракамсиз уй

Хисоб рақами 2263 6000 8003 1453 1480

Банк коди (МФО) 00868 STIR (ИНН) 200357207

КҚС тұловчинининг коди

Телефонлар: 61-226-52-55, 61-226-52-58 Факс:

Статистик кодлар:

DBIBT (СООГУ)

MNOBT (СОАТО)

Истеъмолчи:

З. Сейиталиев
з. Сейиталиев

М. У., имзо, лағозымы, Ф.И.Ш.



Корхона:

ЮРИСТКОНСУЛЬТ ХУЛОСАСИ:

Мазкур электр энергиядан фойдаланыш шартномаси юристконсультант Ф.И.Ш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сонни қарори талабларига мувофиқ тузиленган. Томонлар ўртасидаги мазкур шартномани тузиш учун Ўзбекистон Республикасининг конуунчилар талаблари мөннийин килимайди. Шартнома иштирокчиларининг хукук ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва «Хужалик юрттүчи субъектлар фаолияттининг шартномаси» хукукий базасын түргисидағы конуни талабларига жаоб береди. Шартнома шартлари юзасынан келип чиқиши мүмкін болған жаоблагерлік масаласы томонлар ўртасида конуни келишилтган. Шартноме израсидан шартнома иштирокчиларни ўртасидаги низоларни ҳал килиш тартиби белгиланган

Юристконсультант:

(имзои)
Электр таъминотининг шартномасига
1 - илова

Етказиб бериладиган энергия хажми

1. Тариф гурухи V
2. Фаолият тuri Реe Биоджет
3. «Истемолчи» электр курилмаларининг уланган куввати: _____ кВА (кВт)
4. Техник шарт бўйича рухсат берилган қувват _____ кВт
5. Электр таъминоти ишончлилиги бўйича тоифаси (лойиха бўйича) _____
6. Хисоб-китоб тuri: _____

тариф тuri: табақлаштирилган, бир ставкали ёки ахолига тенглаштирилган (кераклиси ёзилсин)

Давр	Энергия хажми минг. кВт.с	Шу жумладан, тариф гурухлари бўйича			
		I	II	III	IV
Июл, жами	<u>6333</u>				
Январь	<u>2111</u>				
Февраль	<u>2111</u>				
Март	<u>2111</u>				
Апрель					
Май					
Июнь					
Июль					
Август					
Сентябрь					
Октябрь					
Ноябрь					
Декабрь					

Ташкилот кунига фойдаланади _____ соат, ойга _____ кун

Умумий юкламага нисбатан сменалар бўйича юкланиш % хисобида I __, II __, III __

Истемолчи

Реe Бодомир Кубублонов
З. Сей Бинзоде
20.07.2016

М.ў

(Имзо, Ф.И.Ш., сана)

Корхона

Амзо, Ф.И.Ш., сана)



Электр таъминотининг шартномасига
2 - илова

Энергияни хисобга олиш приборлари ўринатилган жойлар ва уларнинг тавсифлари

«Истеммолчилигининг (субистеммолчилигининг) хисобга олиш прибори ўринатилган жойлар, турни ва кучланиш тоғифаси (кВ) кўрсатилган холда	Хисобга олиш прибори тури (актив), (компенсал токи)	Хисобга олиш прибори раками	Хисобга олиш прибори клемма юзтогидаги корхона пломбасининг раками	Ўлчов трансформатор- ларнинг трансформация коэффициенти		Хисобга олиш коэффициенти	Хисобга олиш приборининг шартномасига тузилган кундуғи курсаткичлар и хисоблагич курсаткичи	Тариф тури сўм 1 кВт.с.
				Ток	Кучла- ниш			
БРЧ - 0,4 кв	EX-518		124200354384	15	1285	450		

Имзолар:

Истеммолчи:

З. Сейтказимова

М.У.

(Изм.)



Керхона:



Электр таъминотининг шартномасига
3 - илова

**Томонлар электр тармоқларининг баланс мансублиги
ва эксплуатация килиш бўйича масъуллик чегараси
ДАЛОЛАТНОМАСИ**

Изоҳ: Xар бир электр энергияси хисобга олиш прибори учун алоҳида З ва 4-иловалар тузилади

Хисобга олиш прибори даглат раками _____ ток трансформатори _____ кучланиш
трансформатори _____ яксами коэффициент _____ уларнган куевати _____ кВт
Хисобга олиш прибори ўрнатилган манзил _____

1. Тариф гурухи **V** Фаолият тури **Рес. Бюджет** шахар, кўғум, кўчка уй раками
Губоши чиҳ. Шавкодар, Гимн. Пленка чиҳ. Ахса. Савдо. Кафе. Ошхона. Устазона ва...???

1. «Истеммолчи»нинг балансида қўйидаги электр курилмалар мавжуд:

a) хаво электр тармоғи **7**

b) катсьль электр тармоғи **КЛ - 0,4 кВ 6 - 110 км**

в) подстанциялар, трансформатор подстанциялари ТП раками _____, _____ кВА

2. «Истеммолчи» ва «Корхона» ўргасидаги электр тармоқларининг баланс бўйича
mansublik chegarasi **KL - 0,4 кВ 6 - 110 км**
кабеги умтишак боссан

3. Урдан қўйидагиларга:
KL - 0,4 кВ 6 - 110 км ҳам боссанда
жекер чинчелегер
хизмат кўрсатиш «Истеммолчи» ходимлари томонидан,

«Истеммолчи» билан тузилган «Техник хизмат кўрсатиш» № _____ сана _____ й. шартномаси асосида электр таъминоти корхонаси ходимлари томонидан хизмат кўрсатилади. «Техник хизмат кўрсатиш» шартномаси тузмаса _____ томонидан хизмат кўрсатилмайди.

4. Электр курилмаларнинг холати ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича жавобгарлик чегараси қўйидагича белгиланди:

DM KESPU

Истеммолчи

Ж. Сариф
(имзо)

Вакиллар:

М. Ў.

З. Сайбекалирова

(Ф.И.Ш.)

Корхона

(имзо)



Электр таъминотининг шартномасига
4 - илова

**Энергияни йўқолишиларини аниқлаш бўйича
ДАЛОЛАТНОМА**

Энергия хисобга олиш приборлари электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоқларининг баланс бўйича мансублиги чегараси хисобга олинган холда мансублик чегарасидан хисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган қисми хисоблаш йўли билан аниқланади ва қуидагиларга хисобланади:

а) Куввати _____ кВА бўлган трансформаторлардаги ойлик актив энергиянини йўқолишилари _____ кВт.соат ёки _____ %, реактив энергия йўқолишилари _____ кВАр.соат ёки _____ % ташкил этади;

б) Истемолчининг кабель линияларидаги ҳар ойлик энергияни йўқотиш:

Узунлиги 110 м м;

Кесим юзаси 9x40 мм²;

Русуми 15 кВт;

Кучланиши _____ кВ бўлса, _____ кВт.соатни, ёки _____ % ташкил этади;

в) Истемолчининг ҳаво линияларидаги ҳар ойлик энергия йўқолишилари:

Узунлиги _____ м;

Кесим юзаси _____ мм²;

Русуми _____;

Кучланиши _____ кВ бўлса, _____ кВт.соатни, ёки _____ % ташкил этади.

Энергияни ҳар ойда жами йўқотишлар ҳажми хисоб давридаги энергия сарфининг _____ физикини ташкил этади.

Ушбу Шартноманинг 3.8 бандига асосан юқорида кўрсатилган энергия йўқолишилари Истемолчининг ҳар хисоб-китоб даври учун, хисоб-китоб давридаги амалдаги энергия истемолидан ва 1-иловада кўрсатилган ойлик шартномавий энергия микдорларидан келиб чиқиб аниқланади.

Корхонанинг электр тармоқлари ва уйларнинг ички электр тармоқларининг бўлиниш чегарасидан умумий мулк хисобланадиган ушбу тармоқлардан таъминланадиган майший истемолчиликарнинг электр энергиясини хисобга олиш ускуналаригача бўлган электр тармоқларидаги электр энергияси йўқотишлари хисоб-китоб қилиш йўли билан аниқланади ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари истемолига қаратилади.

Имзолар:

З. Сейтимов
Истемолчи:
М.У. (Имзо)



**Энергия (актив, реактив) сарфи бўйича
ХИСОБОТ**

20 ____ йил _____ ойи бўйича

Кўрсаткичлар қайд этилган сана « ____ » 20 ____ йил.

Уланган жой номи, ҳисобга олиш приборининг завод раками, ҳисобга олиш тури (актив, реактив)	Ҳисоб-китоб коэффициенти			Ҳисобга олиш прибори кўрсаткичлари		Ҳисобга олиш прибори курсаткичларининг фарки	Сарф кВт.с., кВАр.с.	Табакалаштирилган тариф бўйича сарф кВт.с.					
	ток трансформаторининг (ТТ)	кучла-ниш трансформаторининг (КТ)	умумий	башлангич	охирги			Эуталабки тигиз вакт	Кун	Кечки тигиз вакт	Тун		
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
Жами													

Изоҳ: $7_{\text{устун}} = 6_{\text{устун}} - 5_{\text{устун}}$ табакалаштирилган ҳисоб учун назорат раками $7_{\text{устун}} = 9_{\text{устун}} + 10_{\text{устун}} + 11_{\text{устун}} + 12_{\text{устун}}$
 $+ 13_{\text{устун}}$; $8_{\text{устун}} = 7_{\text{устун}} + 4_{\text{устун}}$

Истемолчи раҳбари

Корхона энергетиги



Ф.И.Шимзоси

Ф.И.Шимзоси

Компенсация курилмаларининг ишлаш режими

1. Компенсация курилмаларининг белгиланган куввати

Т/р №	Компенсация курилмаларининг турлари	Куввати	Уланиш вақти		Жами
			Эрталаб	Кечкурун	
1.	Конденсаторлар, кВАр 1000 Втча 1000 Вдан юкори, жумладан:				
1.1.	Автоматик бошқариладиган: 1000 Втча 1000 Вдан юкори,				
1.2.	Кулда бошқариладиган: 1000 Втча 1000 Вдан юкори,				
2.	Синхрон двигателлар - (СД), кВт				
3.	СДнинг реактив куввати, кВар (СДнинг ўрнатилган кувватининг 30 фоизи, кВт)				
4.	Жами (16.+36.) кВАр: 1000 Втча 1000 Вдан юкори.				

ИЗОҲ: авторежимнда ишлайдиган конденсатор курилмалари билан жиҳозланган ташкилотлар уланиш вақтларини түйдириши шарт эмас.

2. Реактив энергиянинг иктисодий микдори

Йил, сй	Реактив энергиянинг иктисодий микдори (кВар.соат)	Шу жумладан тариф гурӯхлари бўйича		
		I	II	IV
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				

Реактив энергиянинг хар бир хисобот даври учун иктисодий қиймати, ушбу Шартномада кўрсатилган ва братилган тартибда аниқланадиган кувват коэффициентининг оптимал микдори хисобга олинниб, ушбу давр учун иктисодий шартномадаги микдоридан келиб чиккан холда аниқланади.

Хисобот давриининг яхши бўйича реактив энергия иктисодий қийматининг амалдаги микдори истемол олини актив энергия ва кувват коэффициентининг шартномавий микдоридан келиб чиккан холда аниқланади.

Дарёға устами қўшилган қиймат солинги хисобга олинмаган холда фаол энергиянинг амалдаги тарифи бўйича:

5% - реактив энергиядан иктисодий қиймат доирасида фойдаланилганда, бу амалда истемол килинган энергия ва кувват коэффициентининг шартномавий микдоридан келиб чиккан холда аниқланади;

10 % - реактив энергиядан иктисодий қиймат микдоридан ортиқ фойдаланилганда, бу амалда истемол олини актив энергия ва кувват коэффициентининг шартномавий микдоридан келиб чиккан холда аниқланади;

Реактив энергия компенсацияси учун электр энергияси тарифига устамалор жаримга санкцияси яксоблашмайди ва электр таъминоти шартномасига исосан ундирилади.

Реактив энергия ўрини етарлича тўлдирилмаслиги хисобига кувват коэффициентининг нормативи қиймати Истемолчи томонидан тўлдиб-куватламаслиги аниқланадига, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан ўзини хужжатларни белгилектан тартибда актив электр энергия Йўқолиш қийматининг техник-иктисодий хисоб-китоблари амалга оширилади. шунунгдек, кувват коэффициенти кўрсаткичлари белгиланган нормативларга нисбатан наслешибилганинига учун Истемолчиликардан кўпимча маблаглар ундирилади.

Бунда хисоб-китоблар ва қўшимча маблагни ундириш хисоб-китоб даврида Шартномада кўрсатилганнига инсбатан Истемолчи томонидан кувват коэффициентининг амалдаги қийматни пасайтиришга Ўйл қўйилганинига тўғрисида «Ўззенергоинженерия»нинг тасдиқлови бўлганда амалга оширилади.

Тариф чечирмалар истемолчи ягона электр тизими тармогига электр тармогининг юнта юкламали соатларида реактив энергия косилингандаги ва электр тармогининг кичик юкламали соатларида энергия тизими тармогидан реактив энергия истемол килинганда, агар Истемолчининг буйдада режимида ишлани зарурати Шартномада кўрсатилган бўлса, тақдим этилади.

Чечирма қўшилган қиймат солинги хисобга олинмаган холда актив тарифига яхши амалдаги тарифнинг 15% микдорида белгисинади.

Истемолчи:

(Изм)



М.У.

Корхона:

(Изм)

М.У.





РАСЧЕТ договор №016/V-1266 от "11"-декабрь 2022 г

№		кВ.ч	Цена	Сумма
1	Январь	2111	450,00	949950,00
2	Февраль	2111	450,00	949950,00
3	Март	2111	450,00	949950,00
4				
5				
6				
7				
8				
9				
10				
11				
12				
Итого:		6333		2849850,00



"Исполнитель"



"Потребитель"